

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР
ФАКУЛЬТЕТИ МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ
ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

ҲАСАНОВ ИЛЁСБЕК САЙИДЖОХОН ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ТОЛЕРАНТЛИК ВА УНИНГ
ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**Илмий раҳбар:
доц. Ф.Юлдашева**

Андижон - 2015

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
1 боб. “Толерантлик” тушунчаси ва моҳияти.....	8
1.1 “Толерантлик” ва “диний толерантлик” тушунчалари	8
1.2 Мустақил Ўзбекистонда толерантликнинг амалга ошиши....	24
2 боб. Толерантликнинг асослари	36
2.1 Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар.....	36
2.2 Диний қадриятлар жамият тараққиётининг омили сифатида	41
Хулоса	47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	57

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Толерантликнинг моҳияти, хусусиятлари ва тарихий келиб чиқиши, тарихий асослари ва манбалари каби масалалар ижтимоий фанлар доирасида доим ҳам долзарб ҳисобланган. Жамият тараққиётининг барча босқичларида ҳам ижтимоий ҳаётда толерантлик ҳодисаси долзарблик хусусиятини йўқотмаган.

Бугунги кунда глобаллашув ва интеграция жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқ тарзда мамлакатлараро, миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларнинг янада кенгайиши ҳамда чуқурлашуви муносабати натижасида мазкур масала янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. “Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий Уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Ҳатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар.

Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар турк қабилалари билан, мусулмонлар насронийлар ва яхудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар”¹.

Кишилик жамияти ҳамиша ўзига хос манфаатларга эга бўлган катта-кичик гуруҳ ва қатламлар ҳамда воқеа-ҳодисаларга турлича ёндашувларнинг мавжудлиги билан характерланиб келган. Манфаатлар ва ёндашувлар хилма-хиллиги, бир томондан, ижтимоий ҳаётнинг бойишига, ривожланишнинг оқилона йўллари топишга, иккинчи томондан, жамият тараққиётини издан

¹ И.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997. 141-142 б.

чиқарган мурасизлик ва тоқатсизликнинг турли кўринишлари пайдо бўлишига замин яратган.

Тарих толерантлик ва мурасизлик ҳолатлари жамият тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлганидан далолат беради. Бугун дунё глобллашув, иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнлари таъсирида тобора яхлит ва бир бутун характер касб этиб бормоқда. Капитал ва товарлар оқими билан бир каторда, уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг ҳаракат доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу одамлар орасида ўзаро мурасизлик, тоқатсизлик кўринишларини бартараф қилиш, жамиятда бағрикенглик маданиятини қарор топтириш том маънода глобал, инсоният истиқболига дахлдор масалага айланганини кўрсатади.

Жамият ҳаётида тенглик ва адолат ғояларининг устувор бўлиши ва амалиётда ўз ифодасини топиши кўзланган мақсадларга эришишга, белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мўлжалларнинг барча учун бирдек қадр-қиммат касб этишига, фуқаролар ўртасида бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳурмат руҳи қарор топишига замин яратади. “Толерантлик тамойиллари Декларацияси”да таъкидланганидек, “Толерантлик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”¹.

Толерантлик жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасида ўзига хослик касб этади. Жумладан, жамият социал структураси мураккаблашиб бориши билан тарих саҳнига чиққан ижтимоий бағрикенгликнинг мазмуни ҳамда унинг зидди бўлган социал тоқатсизликнинг кўринишлари ва оқибатлари ҳам намоён бўлиб боради.

Сиёсий ҳодиса ва жараёнларнинг пайдо бўлиши аста-секин бўлса-да, мазкур соҳада плюрализм муҳити ва толерантлик анъаналарини шакллантириш масаласининг кун тартибига қўйилишига олиб келди.

Дунё мамлакатларининг кўп миллатлилиги этник толерантлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Этник

толерантликнинг моҳияти, жамият тараққиётининг турли даврларида уларнинг намоён бўлиш шакллари турлича. Жамият тараққиётининг ҳозирги даврида этномаданий хилма-хилликни сақлаб қолишнинг долзарб аҳамият касб этиши, маданиятлараро ўзаро таъсир ва бойишнинг имкониятлари каби масалаларга алоқадор.

Толерантлик доирасида унинг турли шакллари кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ахлоқий толерантлик;
- диний толерантлик;
- сиёсий толерантлик;
- маданий толерантлик.

Толерантликнинг шакллари орасида диний толерантлик алоҳида аҳамиятга эга. Дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган, одамларнинг ҳаётини тартибга солишга хизмат қилиб келган. Шунинг учун ҳам, у ёки бу динга холис ёки нохолис муносабат унга эътиқод қилувчилар томонидан тегишлича англаниши ва баҳоланиши ҳамда ўзаро муносабатларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишига замин яратган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Толерантликка бағишланган назариялар турлича бўлиб, улар ижтимоий фанлар тарихининг барча босқичларида ҳам муҳим аҳамият касб этган. XX асрнинг охирларига келиб мазкур масала янада муҳимлик касб эта бошлади. Чунки бу даврда миллатлараро муносабатлар, динлараро ўзаро алоқалар ва келишмовчиликлар, жамиятлар ўртасидаги интеграция жаарёнларининг моҳияти тубдан ўзгарди. Бугунги кун нуқтаи назаридан мазкур масалалар янада долзарблик касб этди.

БМИда таҳлил этилаётган мавзунинг долзарблиги мустақиллик даврларида янада ошди. Дин соҳасига тегишли бўлган масалалар Ўзбекистонда кўплаб олимлар томонидан таҳлил этилган. Айниқса, диний

толерантлик, динларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ёнма-ён олиб бораётган фаолиятлари бўйича кўплаб илмий асарлар яратилмоқда. Бу масалалар Шарқнинг буюк алломалари Абу Наср Фаробий, Беруни, Ибн Сино, Имом Бухорий, Термизий, Яссавий, Навоий Нақшбанд ва бошқаларнинг асарларида кенг таҳлил этилган. Мазкур масалаларга оид асарлар кўплаб ўзбек олимлари томонидан ҳам яратилган. Т. Ортиқов,

Ҳозирги кунда мавзу доирасида ижод қилаётган кўплаб олимларни мисол келтириш мумкин. Жумладан, К.Назаров, К.Х.Хоназаров, Х.О. Шайхова, С.М.Шермухамедов, Н. Шермухамедова, И.Саифназаров, Б.Туйчиев, А.С.Бегматов, И.М.Джабаров, И.Каримов, З.Кадырова, Т.Махмудов, А.Эркаев, И.Хужамурадов томонидан яратилган олиб борилган тадқиқотларда толерантлик ва диний толерантлик масалалари ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. БМИнинг мақсади диний толерантликнинг моҳияти ва хусусиятларини ўрганиш ҳамда унинг жиҳатларини фалсафий таҳлил қилишдвн иборат. Бундан ташқари толерантликни жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида ўрганиш тадқиқот ишининг вазифасини ташкил этди.

Тадқиқот ишининг объекти ва предмети. Мазкур БМИ нинг объектини толерантлик, унинг моҳияти, толерантликнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ўрганиш ташкил этса, унинг предметини эса диний толерантликнинг фалсафий жиҳатларини таҳлил этиш ташкил этган.

БМИнинг янгилиги. Диний толерантликнинг моҳияти ва жамият тараққиётидаги роли масаласини ўрганиш бўйича асосий ёндшувлар ва мазкур масалаларга бағишланган адабиётлар ўрганилганлиги ва таҳлил этилганлигида, деб эътироф этиш мумкин.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти жамиятимиз тараққиётида толерантлик ва диний толерантликнинг родини назарий жиҳатдан ўрганиш, унинг амалга ошиш қонуниятлари ва аҳамиятини тадқиқ

қилиш ва улар асосида хулосалар бериш, мавзу бўйича мавжуд материалларни тўплаш ва янгилари билан бойитиш билан белгиланади.

БМИ да фойдаланилган адабиётлар. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун, ҳукумат қарорлари ва Давлат дастурлари, Президент И.А.Каримовнинг асарлари, маорוזалари, БМИ мавзуси бўйича ижтимоий-фалсафий асарлар, монографик тадқиқотлардан фойдаланилди.

БМИ нинг тузилиши. Тадқиқот иши Кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Жами 70 бет. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида жами 26 та адабиётнинг номлари кўрсатилган. БМИнинг электрон ва чоп этилган нусхаси билан АДҮ АРМ да танишиш мумкин.

1 боб. “Толерантлик” тушунчаси ва моҳияти
1.1 “Толерантлик” ва “диний толерантлик” тушунчалари

Толерантлик масаласи ижтимоий фанларнинг марказий масалалариадан бири ҳисобланиб, унинг долзарблиги бугунги кунда янада ортди. Ҳозирги глобаллашув ва интеграция муносабатлари тобора ривожланиб ва чуқурлашиб бораётган бир вақтда толерантлик масаласига яна мурожаат қилишни давримизнинг ўзи талаб этмоқда. Мамлакатлар ва миллатлар ўртасида айрим низолар ва конфликтларнинг кучайиши толерантлик маданияти билан боғлиқ муаммоларни олимларимиз ва тадқиқотчиларимиз томонидан ўрганишни тақозо этади. Бу нуқтаи назардан энг аввало “толерантлик” тушунчасининг мазмун ва моҳияти қандай эканлигини англаб олишимиз зарур.

“Толерантлик” тушунчаси ижтимоий-фалсафий фанларнинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Бу тушунча фалсафий фанлар тарихида доим ҳам муҳим ўрин эгаллаб келган бўлиб, у ўзининг кўп қирралилиги ва кўп жиҳатлилиги билан фарқ қилади. Мазкур масала бўйича тадқиқотлар олиб борувчи олимлар ҳам унга бир хил нуқтаи назардан ёндашмайдилар ва турлича таъриф берадилар. “Толерантлик” сўзи латинча “tolerantia”, яъни сабр-тоқат деган сўздан олинган. Бир қатор луғатларда бу тушунча сабрли бўлиш, ҳурмат билан қараш, бошқаларга нисбатан тоқатли бўлиш каби маъноларни билдириши эътироф этилади. Фалсафа, этика, эстетика, ҳуқуқ, социология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, психология фанлари доирасида толерантлик муаммоси бу фанларнинг асосий муаммолари қаторидан ўрин олган.

Толерантликнинг энг умумий маънода эътироф этадиган бўлсак, у бошқа миллатлар ва динларга нисбатан, бошқа маданият ва фикрларга нисбатан сабр-тоқат, ҳурмат ва очиклик билан қарашни англатади. Толерантлик шу билан бирга табиий ҳолда миллатлар ва уларнинг маданиятларини ранг-баранглиги, қарашлар турли-туманлиги демак, дунёнинг бир хил бўлмаслиги, яъни эркин тафаккурни эътироф этади.

Ижтимоий соҳаларнинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан толерантликнинг қуйидаги шакллари кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ахлоқий толерантлик;
- диний толерантлик;
- сиёсий толерантлик;
- маданий толерантлик.

Ахлоқий толерантлик турли миллатларга мос бўлган ахлоқ, кундалик турмуш тарзи ва унинг қоидаларига нисбатан ҳурмат ва сабр-тоқатли бўлишни ифода этади.

Диний толерантлик ҳозирги даврда мавжуд бўлган барча миллий ва жаҳон динларига нисбатан очиқлик, ҳурмат билан қараш ва турли диний эътиқодларнинг ўзига хослигини тан олишдан иборат.

Сиёсий толерантлик сиёсат соҳасидаги бошқа фикрлар, эътиқод ва қарашларга нисбатан сабрли ва чидамли бўлиш, ўзиникидан фарқ қилувчи бошқаларнинг анъаналари, урф-одатлари ва қадриятларига эҳтиётлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уларни қабул қила олишни англатади.

Маданий толерантлик эса ўзгача моҳиятга эга бўлган маданиятнинг барча элементларига нисбатан бағрикенгликни билдиради.

Демак толерантлик энг аввало, бошқаларнинг ўзига хос хусусияти ва моҳиятини тан олиш ва уларга очиқлик билан муносабатда бўла олиш ва зарур бўлганда маълум масалаларда уларнинг қарашлари ва ёндашувларини қабул қила олишни англатади. Бу нарса эса ўз навбатида маълум бир миллатнинг, ахлоқ, дин, сиёсат ва маданиятнинг ўзгаларнинг ижобий жиҳатларини тан олиш, уларни ўрганиш ва олинган тажриба ва янгиликлар асосида янада тараққий эта олиш қобилиятини ифода этади. Чунки бундай қобилият ва хусусиятларсиз қайд этилган соҳаларда мамлакатлар, давлатлар ва миллатлар ўзига иттифоқчиларни ва дўстларни топа олмайдилар. Айниқса, сиёсат соҳасидаги толерантликсиз дунё ҳамжамияти ва интеграциясига қўшила олиш мумкин эмас.

Толерантлик барча томонларнинг фикрлари ва қарашларини ўрганиш ва уларга қулоқ тутишга имкон беради. Бу ҳодиса эса бевосита миллатлараро ва давлатлараро, ҳамда маданиятлар ўртасидаги муносабатларда плюрализм ва гуманизм тамойилларини тараққий этишига имкон беради.

Бошқаларга нисбатан толерантлик ўз маданияти ва ўзига хослигидан воз кечишни, сўзсиз уларнинг фикрини қабул қилишни аниқлатмайди. Аксинча, толерантлик этник маданиятлараро муносабатларнинг асосий тамойили бўлиб, бу тамойил ўзгаларга нисбатан ижобий муносабатни ва уларни қабул қилишни аниқлатади. Мазкур тамойилга кўра бир миллатнинг маданияти ёки умуман бир миллат бошқасидан устун қўйилмайди. Шу нуқтаи назардан толерантлик яқка ҳолда олинган шахсга ҳам, этник гуруҳ ёки миллатга ҳам хосдир.

Толерантликнинг акси бошқаларга нисбатан сабрсизлик ва ҳурматсизликни аниқлатади. Бундай ҳурматсизлик миллий шовинизм, фанатизм ва агрессиянинг шаклланишига олиб келади. Бундай ҳодисалар эса маълумки, жамиятни тараққиётга эмас, аксинча турғунликка олиб боради. Шу сабабли ҳам толерантлик нафақат ҳозирги вақтдаги, балки мавжуд давлатлар ва миллатлар тарихий тараққиётининг барча даврларда ҳам турли жамиятларнинг интеграция жараёнига кириб бориши ва умуман тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлган асосий омиллардан бири бўлиб келган.

Шундай қилиб, толерантлик дунё ҳамжамияти мавжудлигининг асосий тамойилларидан биридир. Унинг моҳиятини қуйидагича: толерантлик шахслар, турли цивилизацияга мансуб бўлган жамиятлар, турли мамлакатлар ва миллатлар, эркаклар ва аёллар, катта ёшлилар ва кичиклар ўртасидаги ҳурмат ва бағрикенгликка асосланган муносабатларни ифода этади. Турли даврларда толерантлик атрофдагиларга зарар келтирмаган ва уларни камситмаган ҳолда ўз-ўзини ифода этишни аниқлатади. Бу нуқтаи назардан толерантлик буюк умуминсоний қадриятлардан бири сифатида шахс ва жамиятнинг аниқланган ва қатъий ёндашувини акс эттиради. Толерантлик қарама-қаршиликка эмас, аксинча ўзгалар ва ўзидан фарқ қилувчилар билан

уларнинг “бошқача” моҳиятини тан олган ҳолда ёнма-ён яшай олиш қобилиятига асосланади.

Толерантликка асосланган ҳолда турли миллатлар, жамиятлар ва маданиятларнинг ёнма-ён яшай олиши турли давлатлар, инсониятнинг биргаликда яшай олиши, бирдамлиги, келиб чиқиши мумкин бўлган турли низоларни биргаликда ҳал эта олиши каби хусусиятларини ифода этади. Толерантликни биз қуйидагича таърифлаймиз: толерантлик этник, жинсий, диний, ирқий хусусиятлари ва ёшидан қатъий назар ҳар қандай жамият, ижтимоий қатлам ва фуқаронинг ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий маданиятининг хусусиятларини ифода этувчи ижтимоий ҳодиса ва умуминсоний қадриятдир.

Толерантлик келиб чиқишининг тарихига назар солсак, уни дастлаб диний асосда шаклланди. Амин бўламиз. Жамият тараққиётига мос равишда ҳамда миллатлараро ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенгайиши натижасида ушбу ҳодисанинг бошқа шакллари ҳам пайдо бўлди, деб айтиш мумкин.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистоннинг толерантлик моҳияти янада яққолроқ намоён бўла бошлади. Жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай мамлакат бу йўналишда жаҳондаги илғор демократик мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши табиий. Ўзбекистон ҳам албатта, бундан мустасно эмас ва бу йўлда у жаҳоннинг илғор тажрибага эга бўлган ва тараққиёт йўлидан илгарилаб кетган мамлакатларнинг босиб ўтган йўллари йўганиб, улардан демократик фуқаролик жамияти яратиш борасида ва умуман ўз тараққиётида самарали фойдаланишга интилоқда. Айтиш мумкинки, кўпчилик демократик давлатлар томонидан жорий этилган бу соҳадаги асосий тамойилларга Ўзбекистонда ҳам амал қилинмоқда:

- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни амалга ошириши;
- озчиликнинг кўпчиликка бўйсунуши;
- жамият барча аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги;

- давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлигига амал қилиниши;
- давлат асосий органларининг сайланиши ва уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб беришлари;
- тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги;
- давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларга бўлиниши ва бир-биридан мустақил бўлиши ва бошқалар.

Қайд этилган тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз аксини топган бўлиб, улар жаҳоннинг тараққий этган демократик мамлакатлари қонунчилиги соҳасидаги стандартларга мос келади. Бу тамойиллар давлатимизнинг демократик тараққиёт ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш билан боғлиқ бўлган вазифалар ва мақсадларини акс эттиради.

Ўзбекистон Конституцияси ҳуқуқий кадриятларни демократик умуминсоний ҳуқуқий кадриятлар доирасида акс эттиради. У миллий ҳуқуқий кадриятларни халқаро ҳуқуқий кадриятлар билан уйғунлашган ҳолда намоён этади ва уларни ўзаро муносабалигини ифода этади. Конституция халқаро ҳуқуқ қонун қоидаларини. Бу фикрлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Конституция нафақат ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатдан, балки аксиологик жиҳатдан ҳам тарихий воқеа сифатида муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосларини миллий аксиологик тамойиллар ҳам ташкил этади. Бунга мисол сифатида Конституцияда миллий кадриятлар тизимининг асосий элементлари ҳисобланган оила, маҳалла, жамиятда қарияларга муносабат, диний кадриятлар, тарихий ёдгорликларни асраб авайлаш каби кўплаб жиҳатларнинг акс этишини эътироф этиш мумкин.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари яна шуни ҳам айтиб ўтиш мумкинки, ўзбек халқининг толерантлик хусусияти, унинг менталитетида бошқа мамлакатларга нисбатан очиқлик ва бағрикенглик хусусиятларининг акс этиши каби масалалар ҳам Конституцияда акс этган. Чунки Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар ўзининг кўпасрли тарихи давомида доим ҳам толерантлики, диний ва миллий бағрикенглиги билан ажралиб турганлар.

Тарихда Ўзбекистон худудида юздан ортиқ миллатлар ва диний конфессияларнинг вакиллари ёнма-ён тинч-тотув яшаганлар ва меҳнат қилганлар. Ижтимоий онгнинг толерантлиги минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаган. Унинг асосида бу ерда миллийлик ва динийлик асосида миллий ёки диний низолар келиб чиқмаган. Конституциянинг 8 – моддасига кўра “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”².

Ўзбекистон фуқароларининг барчаси эркин бўлиб, уларнинг эркинлиги Конституциянинг 18-моддасида акс этган. Унда қуйидагича ёзилган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон фуқаролари қайси миллат ёки динга мансублигига қарамай, эркиндирлар. Уларнинг миллийлиги ёки динийлигидан келиб чиқиб, эркинликлари чекланмайди. Эътироф этиш мумкинки, умуминсоний қадриятлардан бири бўлган эркинлик Конституцияда ифода этган. Бу ҳам Конституциянинг аксиологик жиҳатларини англатади.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”³.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 94 фоизидан кўроғи ислом динига эътиқод қилади. Лекин аҳолининг маълум қисми бошқа динларга эътиқод қилади. Ҳозирда Ўзбекистонда “2014 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, республикада 16 конфессияга мансуб 2223 та диний ташкилот, шу жумладан Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон мусулмонлар қозияти, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакилликлари, Тошкент ислом институти, 9 та мадраса, 2037 та масжид, Рус

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” нашр.-матбаа ижодий уйи, 2008.-Б.5.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.- Б.7.

православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик маркази, Евангелъ христиан баптистлар черковлари уюшмаси, Тўлиқ инжил христианлар черковлари маркази, Протестант семинарияси, Библия жамияти, 151 та христиан черкови, 8 та яҳудий, 6 та баҳойий жамоаси, 1 та Кришна жамияти ва 1 та Будда ибодатхонаси фаолият юритмоқда. 130 дан зиёд миллатга мансуб, аҳолининг 94 % дан зиёди ислом, 3,5 % га яқини православ динига мансуб, ққолганларини бошқа конфессиялар вакиллари ташкил этади.

Ҳозирда диний таълим соҳасида Тошкент ислом институти, 9 та ўрта махсус ислом билим юрти, шунингдек, Православ ва Протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда”⁴.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда кўплаб диний конфессиялар ва турли диний ташкилотлар мавжуд бўлгани ҳолда, санаб ўтилган динларга эътиқод қилувчи диндорлар ўз диний эҳтиёжларини эркин қондириш имкониятига эга эканлар. Улар мамлакатда миллий ва диний бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳолда тинч ва тотув яшаб келмоқдалар. Бундай толерантлик буюк умуминсоний қадриятлардан биридир.

Ўзбекистон Конституциясида миллий ва диний бағрикенглик ҳам ўз аксини топган. Жумладан, унинг 6, 8, 12 бобларида “диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар” деган демократик тамойил мустақкамланиб қўйилган. Фуқаролар миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли эканлиги белгиланиб, уларнинг виждон эркинлиги, урф-одатлари, анъаналари ҳурмат қилиниши кафолатланган. Бу ҳолат Ўзбекистон Конституциясининг 31 моддасида қуйидагича ифодва этади: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга

⁴Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Т., 2014. –Б.-27.

этикод қилиш ёки ҳеч қайси динга этикод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”⁵.

Демак, Конституция мамлакат фуқароларига миллий ва диний бағрикенгликни кафолатлайди. Фуқароларга этикоди, миллати ва диний қарашларидан ҳамда мансублигидан қатъи назар виждон эркинлиги кафолатланади.

Маълумки, Ўзбекистон дунёвий давлат. Мамлакатда динийлик ҳам, атеизм ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида қадрланади. Бу нарса Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳуматимизнинг қабул қилган қонунлари ва қарорлари ва бошқа давлат ҳужжатларида ҳам эътироф этилади. Мамлакатда дин давлатдан ажратилган. Фуқароларнинг мажбурий тарзда диний қарашларни тарғиб қилишлари ва бошқаларга сингдиришга уринишлари қонунга ҳилоф ҳисобланади. Бу ҳолат Конституциянинг 61 моддасида акс этган: “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди”⁶. Кўриниб турибдики, бевосита кишиларнинг диний этиқодлари ва уларни қондириш билан боғлиқ бўлган жараёнларга алоқадор бўлган диний ташкилотлар Ўзбекистонда қонун доирасида бемалол эркин ҳаракат қилишлари мумкин экан.

Қадриятлар муаммоси ўз моҳиятига кўра инсон ҳаётининг мазмунини ташкил этади. У ҳамиша инсоннинг ўз-ўзини англашга интилишининг ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Ана шундай интилиш ҳамма вақт умрини яшаб бўлган қадриятларнинг барҳам топиши, янгиларининг тарих саҳнига чиқиши ва давр руҳига мос маъно-мазмун кашф этиши, инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллашига сабаб бўлган, йўл очган.

Тарихга назар ташлар эканмиз, қадриятлар муаммоси туб бурилишлар даврида долзарб аҳамият касб этганига, инсон маънавий-руҳий изланишлари натижаси бўлган янги бир сифатий ҳолат юзага келиши учун замин яратганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ана шу изланишлар ҳосиласи бўлган тарихнинг

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” нашр.-матбаа ижод. уйи, 2008.-Б.9.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” нашр.-матбаа ижод. уйи, 2008.-Б.13..

бурилиш паллалари ҳам инсоният тараққиётининг узвийлигини, бир даврда ҳукмрон бўлган, умуминсоний мазмун билан суғорилган кадриятларнинг янги кадриятлар дунёсига замин тайёрлашини кўрсатади.

Кишилик жамияти янги минг йилликка қадам қўйган бир даврда мураккаб характер касб этган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муаммолар, миллатлараро низолар, экстремизм ва терроризм каби офатларга мубтало бўлган, уларни ҳал қилиш йўлларини излаётган бир пайтда кадриятлар, унинг инсоният ҳаётидаги ўрни масаласининг долзарб аҳамият касб этиши бежиз эмас. Чунки аслида мавҳумдек кўринган аксиологик муаммолар ортида инсон ҳаётининг мазмуни, унинг келажаги масаласи ётади.

Шу нуқтаи назардан караганда, кўп қутбли кадриятлар дунёси мавжудлигини тан олиш, уни ҳурмат қилиш ижтимоий тараққиёт ва инсон маънавий-руҳий баркамоллигининг асоси эканини англаш кишилик жамияти учун ниҳоятда муҳимдир.

Бир хиллик инсоният тараққиётига эмас, балки унинг қашшоқлашувига сабаб бўлган. Кўп қутбли кадриятлар дунёсининг мавжудлигигина инсон камолотининг кафолати бўлиши мумкин. Бунда бағрикенгликка асосланган кадриятларнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, жамият турли ижтимоий қатламлар, этник, маданий, лисоний, конфессионал гуруҳлардан иборат бўлган ҳозирги даврда бағрикенглик ўзаро мулоқотнинг ҳурмат ва энг юксак инсоний кадриятларга асосланишини, жамиятда тотувлик ва ҳамжиҳатлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бу бағрикенгликнинг ижтимоий моҳияти, ривожланиш қонуниятларини халқимизнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари ва кадриятлари, инсоният тўплаган илмий мерос, амалий тажриба ҳамда миллий, минтақавий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган қоидалар асосида таҳлил этишнинг долзарблигини кўрсатади.

Айни пайтда, инсониятнинг нафақат бугунги куни, балки истиқболига ҳам таҳдид солаётган, хилма-хил заминда юзага келаётган тоқатсизлик,

муросасизлик ва тажовузкорликнинг турли кўринишларига хос хусусиятларни ўрганиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни тадқиқ қилиш уларнинг олдини олиш имконини яратади. Фуқароларда бағрикенглик кўникмаси ва малакасини шакллантириш эса уларнинг келиб чиқишига йўл кўймасликнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Қайд этилган мулоҳазалар ҳам, турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги мулоқот, муносабатларнинг мазмуни инсоният учун бекиёс ҳаётий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Халқаро ҳужжатларда таъкидланганидек, “Ҳозирги дунёда бағрикенглик ўта муҳим аҳамият касб этади. Биз иқтисоднинг глобаллашуви ва янада тезлашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боқлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши, шаҳарлашув ҳамда ижтимоий тузилмаларнинг янгидан ўзгариши асрида яшамокдамиз. Ўр бир минтақа хилма-хилдир ва шунинг учун тоқатсизликни ва низоларни кучайтириш дунёнинг барча ҳудудларига бирдек таҳдид солади. Бундай таҳдиддан миллий чегаралар ортига беркиниб бўлмайди, чунки у умумбашарий хусусиятга эгадир”.

“Бағрикенглик” (“толерантлик”) сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб “бағрикенглик” чидамлилиқ, бардошлилик, тоқатлилиқ, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилиқ, ҳимматлилиқ, кечиримлилиқ, меҳрибонлик, ҳамдардлиқ каби маъноларга эга дейиш мумкин. Шундай бўлса-да, бугунги кунда чуқур ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий мазмун касб этган ушбу тушунчанинг кўпчилиқ томонидан тан олинган илмий таърифи йўқлигини, аммо у ифода этадиган асосий сифат ва хусусиятлар умуман тавсифланганини таъкидлаш зарур. Бу ерда 1987-1999 й.ЮНЕСКО бош директори Ф.Майоранинг толерантлик ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтириш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз: “Толерантлик нима? Бу ён бериш ва бефарқлик эмас. Бу бошқаларни билиш ва тушуниш. Бу ўзаро тушуниш орқали бир-бирини ҳурмат қилиш. ...

Толерантлик нима? Бирлашишми-ха; бирхиллашувми-йўқ. Турли-туманликми-ха; зўравонликми-йўқ. Ўткир баҳсларми -ха; куч ишлатиш ва тобеъликми- йўқ”.

Бағрикенглик моҳият эътибори билан “бошқалар” ва “ўзгача” кадриятлар ҳақидаги билимлар, баҳолар ва унга асосланган амалий фаолият тизимини ўз ичига оладиган ижтимоий-маданий ҳодисадир.

Бундай ёндашувда бағрикенглик, энг аввало, ҳар томонлама мукамал бўлган ва танҳоликка даъвогарлик қилувчи ҳодисанинг ўзи йўқлигидан келиб чиққан ҳолда “бошқалар” ҳамда “ўзгача” нарсалар, ҳодисалар ва фаолият шакллариининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, намоён бўлиш шакллариини тўғри тушуниш ва англашни билдиради.

ЮНЕСКО Уставида таъкидланганидек, ўзаро бир-бирини тушунмаслик бутун инсоният тарихи давомида ўзаро шубҳаланиш ва ишончсизликнинг сабаби бўлган, бу эса оқибатда турли ихтилофлар ва низоларга олиб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда, буюк аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг “Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар”, – деган фикрлари чуқур мазмунга эгаллигини қайд этиш лозим.

Бағрикенглик маданиятининг иккинчи асосий унсури муайян билимлар замирида шаклланадиган кадриятлар, баҳолар тизимидир. Билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган кадриятлар, баҳолар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, улар бағрикенглик маданиятининг имкониятларини белгилаб беради ҳамда муросасизлик ва тоқатсизликнинг турли кўринишлари йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади. Жумладан, бунда “бошқаларга”, уларнинг фаолиятига, “ўзгача” нарсалар ва ҳодисаларга ўз кадриятларидан келиб чиқиб баҳо бермаслик муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидланганидек, билимлар ва кадриятлар тизими ҳам бағрикенгликнинг мазмунини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки нарса бағрикенглик маданиятининг учинчи муҳим элементи – “бошқалар” ҳамда “ўзгача” нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан жирканишни намоёниш этмаслик,

паст назар билан қарамаслик, уларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилишдек ҳаракатларда намоён бўладиган амалий фаолият тизими билан боғлиқ.

Субъектига кўра шахс, ижтимоий гуруҳ ва жамият бағрикенглигини фарқлаш унинг моҳиятини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Чунки уларнинг ҳар бирида бағрикенглик ўзига хос хусусиятлар касб этади. Хусусан, алоҳида олинган шахс даражасида бағрикенглик ҳар қандай вазиятда ҳам у ёки бу асосда шаклланган кадриятларнинг мазмунини тушуниш ва тўғри баҳолашга интилишни, ақидабозлик ва муайян ҳақиқатни мутлақлаштиришга йўл қўймасликни билдиради.

Шу билан бирга, бағрикенглик ўз қарашлари ва кадриятларидан воз кечишни, у ёки бу ўзига хосликларга ён бериш ёки уларга бефарқликни эмас, балки воқеликка нисбатан фаол муносабатни, инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олишни ҳамда унинг тантанаси учун кўмаклашишдек амалий фаолиятни ҳам англайди.

Айни пайтда, бағрикенглик жамият ва давлат даражасида ўзига хос қирраларга эга бўлади. Чунончи, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча кишилар ва алоҳида шахсларга бир хил ёндашув ҳамда тенг имкониятларни таъминлайдиган адолатли қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни шакллантириш, ҳеч қандай камситишларсиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, ётсираш ва тоқатсизлик, душманлик ва фанатизмнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш шулар жумласидандир.

Тоқатсизлик ва мурасасизлик хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Унинг ёрқин кўринишлардан бири камситишдир. “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида Конвенция”да ушбу тушунчанинг мазмуни ойдинлаштирилганидан келиб чиққан ҳамда таълим соҳасидаги камситиш кенг

маънодаги ижтимоий камситишнинг ўзига хос кўриниши эканини инобатга олган ҳолда унга ўзаро муносабатларда:

- тенгликни таъминлашга тўсқинлик қилиш, бузиш ёки йўқ қилиш;
- турли мезонлар, белгилар бўйича муайян тафовут, истисно, чеклаш ёки устунликларни юзага келтириш;
- тенглик даражаси ва сифатини ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг муайян доираси билан чеклаш;
- тенглик учун зарур имкониятлар ва муносиб шарт-шароитларни яратмаслик ёки унга интилишдек хусусиятларни намоён этиш хосдир, дейиш мумкин.

Реал воқелик кейинги пайтларда дунёнинг турли мамлакатларида ўзаро муносабатларда ётсираш, муросасизлик, тажовузкорлик, камситиш, куч ишлатиш ва зўравонлик кўринишлари кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Бу инсоният ғоятда мураккаб ва ўта зиддиятли жараёнларни бошдан кечираётганидан далолат беради. Кишилиқ жамияти тараққиётининг ҳозирги даврида, деб ёзади И.А.Каримов “...турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда”.

Президентимиз билдирган мулоҳазалар моҳиятига эътибор бериладиган бўлса, инсоният истиқболини белгилашда универсалликка даъвогарлик қилаётган, аксарият ҳолларда тоқатсизлик ва муросасизликнинг турли кўринишларини ғоявий асослаш, тарғиб қилишга таянадиган мафкуралар дунё саҳнида устуворликка интилаётганини англаб етиш мумкин. Глобаллашув жараёнлари эса дунёнинг яхлитлигини, инсониятнинг бир бутунлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётнинг хилма-хил соҳаларида эришилаётган

ютуқлардан турли минтақа ва давлатларнинг фаол фойдаланишини келтириб чиқариш баробарида бундай мафкура шакллариининг Ер юзининг барча худудларига бирдек тахдид солишига замин яратмоқда.

Дунё сахнида кечаётган мафкуравий жараёнлар ҳақида гап кетар экан, унга хос яна бир муҳим хусусиятни қайд этиш лозим. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида таъкидланганидек, аксарият давлатларнинг мафкураси “умуминсоний кадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир”.

Мазкур ҳолат, умуман олганда, инсоният истиқболига оптимистик рух билан қараш имконини беради. Шундай бўлсада, бузғунчи ғояларнинг кишилар, айниқса, ёшлар онги ва қалби учун кураши янги сифатий хусусият касб этаётгани жиддий эътибор талаб қилишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва тазйиқларнинг бош объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва айна пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

“Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман”, – деб ёзган эди инглиз сиёсий арбоби Эдмунд Берк. Шу нуқтаи назардан қараганда, турли кўринишлардаги мурасасизлик мафкураларининг ижодкорлари жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритаётганликларини ҳам қайд этиш лозим.

“Рангли” инқилоблар, турли диний экстремистик ҳаракатлар, террорчилик хуружларининг асосий иштирокчилари ёшлар экани бундай ғоявий таъсир ва мафкуравий тазйиқлар қандай оқибатларга олиб келишини, ўсиб келаётган авлодга хос фаоллик ва ижтимоий потенциалдан ғайриинсоний мақсадлар йўлида нечоғли усталлик билан фойдаланиш мумкинлигини намоиш этади.

Қайд этилган мулоҳазалар жамият турли қатламлардан иборат бўлган бир шароитда ёшларни ирқий, социал, этник, конфессионал, маданий тоқатсизлик ва мурасимсизлик каби шаклларда намоён бўлувчи ғояларга асосланган мафкураларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришга қаратилган ғоявий тарбияни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқи маънавий меросида бағрикенглик маданиятини шакллантиришга қаратилган қадриятлар чуқур илдизга эгаллигини таъкидлаш зарур. “Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши, – деб ёзади И.А.Каримов, – маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди... Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган”.

Асрлар давомида шаклланган ана шу қадриятлардан турли ижтимоий гуруҳлар вакиллариغا, уларнинг ҳис-туйғуларига эътибор ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни намоён этувчи, кишиларнинг бир замон ва маконда ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат яшашига йўл очувчи бағрикенглик маданиятини янада юксалтиришда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақсадга эришиш жараёнида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизга:

– мурасимсизлик, нафрат ва зўравонликларнинг турли кўринишларининг асл сабаблари, манбалари ва илдизлари;

– “ўзгача” анъаналар ва маросимларга ётсираб қараш умуминсоний маданият ва маънавий ривожига салбий таъсир кўрсатиши;

– “бошқаларнинг” шаъни ва кадр-қимматини ҳақоратловчи хатти-ҳаракатлар, ижтимоий заминдаги адоват, душманлик ва экстремизм инсониятнинг бир бутунлиги, тинчлиги ва тараққиётига таҳдид солаётгани;

– “бошқаларга” ўз қарашлари ва қадриятларини мажбуран сингдиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларига зидлиги;

– “бошқалар” ҳамда “ўзгача” ҳодисаларга нисбатан ноҳолислик, паст назар билан қараш, уларнинг соҳибларига салбий муносабат тарихнинг ҳамма даврларида кўплаб фожиаларни келтириб чиқаргани;

– “бошқаларга” нисбатан ётсираш, тоқатсизлик ва муросасизлик кўринишлари мамлакат суверенитети ва хавфсизлигига таҳдид туқилишининг асосий манбаи;

– “ўзгача” қадриятларга ҳар томонлама ҳурмат кўрсатилишини таъминлаш ўзбек халқининг асрий анъаналарига ҳамоҳанг экани ҳақидаги билимларни сингдириш ҳамда тегишли кўникма ва қадриятлар тизимини шакллантиришни устувор вазифалар қаторида санаш мумкин.

1.2 Мустақил Ўзбекистонда толерантликнинг амалга ошиши

Тарих юртимизда ҳамиша ижтимоий ҳамкорлик руҳи ва бағрикенгликни тарғиб этувчи қадриятлар устувор бўлиб келганидан далолат беради. Албатта халқимизга азалдан хос бўлган хислат – бағрикенглик бир зумда пайдо бўлган эмас, у биз учун анъанавийдир. Ўзбекистоннинг диний тарихига қисқача назар ташласак, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди инсонларда илк диний тасаввурлар ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимги ўлкалардан бири эканига гувоҳ бўламиз. Тош асрининг ўрталарида аجدодларимиз орасида турли ҳайвонлар ва Қуёшга топиниш, кейинроқ фетишизм, анимизм, афсунгарлик (магия) тарқалди.

Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал бирлигини ёқлаган, тарғиб қилган “Авесто”да тинчлик ва тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи устувор бўлган эллар Тангри томонидан ярлақаланади ҳамда бу ўлкалар муқаррар гуллаб-яшнайдди, деб тавсифлангани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради.

Ночор ва ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш, сахийлик улуғ инсоний фазилат сифатида эътироф этилганида, унинг соҳибларига эса юксак иззату икром кўрсатилганида ҳам шундай қадриятларни кўриш мумкин. Халқимизнинг асрлар оша шаклланган тажрибасини ўзида мужассам этган “Сахийнинг қўли очик, қўли очикнинг йўли очик”, “Энг қўлинг берсин, чап қўлинг билмасин” мазмунидаги мақоллари, аз-Замахшарийнинг “Хайру эзгуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир”⁵, Аҳмад Югнакийнинг “сахийлик шараф, мартаба ва камолотингни орттиради”⁶, – деган сўзлари ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Шу билан бирга, юртимизда азалдан бойлик туфайли кибру ҳавога берилиш ҳамда ёмонлик ва ёвузликнинг ҳар қандай кўриниши қатъий қораланиб келинган. Халқимизнинг пурмаъно ҳикматларини ўзида мужассам этган “Девону луғотит турк”да “Молу мулкинг кўпайса, мағрурланиб қутурма”,

“Ҳибат-ул-ҳақойиқ”да эса “Зинҳор зўравонлик ва зулм қилма, агар киши қийинчиликка тушса, сен унга кўмак бер”, – деб таъкидлангани бундай кадриятларнинг илдизлари узоқ мозийга бориб тақалишидан далолат беради.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ўзаро тотувлик ва ҳамжихатлик руҳи устуворлигини фозил шаҳарларнинг муҳим белгиси ҳамда уларнинг гуллаб яшнаши, фаровонлиги ва бахт-саодати тантанасининг замини, ўзаро кўмак, меҳр-мурувватнинг йўқлиги жоҳил шаҳарларнинг асосий хусусияти ҳамда фитна, фисқу фужур ҳукмронлигининг сабаби сифатида қайд этади. “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига бирлашганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”, – деган фикрлари ҳам буюк файласуфнинг ижтимоий ҳамкорликни жамият тараққиётини таъминловчи омиллардан бири, деб ҳисоблаганини англаш имконини беради.

Салтанат ишларини мурсою мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргизган буюк аждодимиз Амир Темур фаолиятида эса ижтимоий бағрикенглик ғоя ва амалиёт бирлиги сифатида намоён бўлганини кўриш мумкин. Зеро, Соҳибқирон ҳаёти давомида, биринчидан, сармояси кўлидан кетиб қолган савдогарга уни қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин, ўз иши билан шуғулланишга қурби етмай қолган деҳқонларга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб, уй-иморати бузилиб, тузата олмаётган фуқароларга керакли ускуналарни етказиб бериш зарурлигини ҳамда бундай ҳаракатларнинг ижтимоий фаровонлик ва тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда фаолият олиб борди.

Иккинчидан, турли мамлакатлар аҳолиси билан бўлган муомалада холислик билан иш тутиб, жамиятда ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат ва ҳамкорлик руҳи устувор бўлишига интилиб яшади.

Учинчидан, фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз кишиларга нафақа тайинлашни йўлга қўйиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизимини яратди.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон ана шу тарихий анъаналарга содиқ қолган ҳолда жамиятда ижтимоий бағрикенглик ва ҳамжихатлик руҳи устувор бўлишига қаратилган сиёсат олиб бормоқда. Ана шундай сиёсат туфайли халқимиз жипслашиб, ўзининг бирлиги, бир бутунлигини англади, бир-биримизга меҳрли, оқибатли бўла бошладик. “Сен коммунист”, “Сен диндор”, “Сен кофир” деган каби ўртага раҳна солувчи маломатлар бўлмади... ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан асраб қолдик”.

Турли ижтимоий қатламлар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш ва яхшилаш жамиятдаги барқарорлик ва тараққиёт учун йўл очади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ижтимоий-сиёсий беқарорлик ва бошбошдоқлик, миллий парокандалик ва таназзулни келтириб чиқаради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамиятда ижтимоий бағрикенглик муҳитини қарор топтиришга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий тамойиллар ўз ифодасини топганини таъкидлаш зарур.

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши белгилаб қўйилган Конституциямизда:

– инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги ҳамда ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги;

– ҳар бир шахс мулкдор бўлишга, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлашга ҳақли экани;

– фуқаролар қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ва ижтимоий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз кишиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши ҳақидаги тамойилларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Шу билан бирга, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги, инсон кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар, ижтимоий адоватни тарғиб қилувчи сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқлангани Конституциямизда социал тоқатсизлик ва мурасасизликнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор берилганини кўрсатади.

Ташқи дунё билан алоқалар ривожланиши натижасида қадимги Ўзбекистон ва у билан чегарадош ҳудудларда секин-аста мураккаб системага айланган динлар тарқала бошлади. Булар жумласига зардуштийлик, буддавийлик, христианлик ва яҳудийлик киради.

Зардуштийлик заминида Марказий Осиё шароитидаги ҳаёт тарзи ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадорлик ўртасидаги зиддият ётади. У кейинчалик монотеистик Қоялар ривожига шубҳасиз катта ҳисса қўшган.

Кушон ва Эфталитлар давлатлари даврида Ўзбекистон ҳудудига бевосита Ўиндистондан буддавийлик кириб келди ва кенг илдиз отди. В.Литвинскийнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда «хунарманднинг хонадони ва чорикорнинг кулбасигача будда дини кириб борганди».

Ўзбекистонда исломдан олдин мавжуд бўлган динлар қаторида Шом (Сурия) ва Эрон орқали кириб келган христиан динининг несториан мазҳаби сезиларли ўрин тутган. Христиан жамоалари Қуз, тўққизўғиз каби баъзи кўчманчи турк қабилаларининг вакиллари ҳам ўз ичига олган. Академик В.Бартольднинг фикрича, VI асрда Самарқандда христиан епископи ва бевосита араблар келишидан олдин эса митрополити бўлган. Ҳозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудида ҳам христиан динига мансуб аҳоли мавжуд эди.

Юқорида зикр этилган динлардан ташқари, Ўзбекистоннинг баъзи ерларида яҳудийлар, монийчилар, маздакийлар жамоалари истиқомат қилган.

Бундан деярли 1,5 минг йил аввал ҳозирги Марказий Осиёни ўз ичига олган Ғарбий турк ҳоқонлиги тахтида ўтирган Истами (552–576-йиллар) бағрикенг ҳоким сифатида танилганди. Шу даврда туркий қабилаларда диний

тафаккур ўз тараққиётининг энг юқори поғонасига кўтарилган, бош худо – Тангрига сиғиниш кенг миқёсда бошланганди. Шундай бўлсада, Истами-ҳоқон ўлкада маълум бўлган барча динларга эркин йўл қўйиб берди.

VIII аср бошида Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келиши ҳамда янги монотеистик дин ва маҳаллий динларнинг бир-бирига ўзаро сингиши натижасида Марказий Осиё халқлари ижтимоий онгида ажиб ўзгариш юз берди: улар Аллоҳни қабул қилганлари ҳолда худди шу маънода Тангри атамасини ишлатишда давом эта бердилар. Умуммусулмон давлатида қайсидир одатлар исломий ёки ғайриисломий экани ҳақида баҳслар ва ихтилофлар авжига чиққан бир пайтда Мовароуннаҳрда ислом маънавий дунёсига мансубликнинг ўзи асосий мезон ролини ўйнади.

IX асрдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом дини сунна йўналишининг ҳанафий (Имом Аъзам) мазҳаби қарор топди. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак, зеро, Имом Аъзам мазҳаби ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Ҳанафийлик таълимотини такомилга етказган ватандошларимиз – ал-Мотуридий, Абул Муъин Насафий ва ал-Марғиноний каби алломалар мусулмонлар орасидаги ғоявий тарафкашликка барҳам бериш, ислом динининг сунна йўналиши ва алаҳхусус, «аҳли сунна ва жамоа» йўли барқарор бўлиб қолишига катта ҳисса қўшдилар. Нафақат буюк алломалар, балки Марказий Осиё ҳукмдорлари ҳам бу йўлда курашдилар. Масалан, X аср ўрталарида мусулмон дунёсида шиа йўналиши (Шимолий Африка, Миср, Сурия, Ўйжозда – фотимийлар, Яманда –зайдийлар ва ҳатто, аббосийлар пойтахти БаҚдодда бувайҳийлар) устунликка эришган бир пайтда тоҳирий, ғазнавий ва қорахоний ҳокимлар «аҳли сунна ва жамоа»ни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

XIII – XIV асрларда мўғулларга қарши озодлик кураши жараёнида минтақа аҳолисининг диний тафаккурида яна бир муҳим ўзгариш юз бердики, бунинг натижасида яссавия, кубровия, нақшбандия каби сўфийлик тариқатлари шаклланди. Марказий Осиё сўфийлари ислом динининг илғор вакиллари

сифатида обрў-эътибор топдилар. Бошқачасига айтганда, бу даврда ислом тасаввуф шаклида Марказий Осиё учун маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч ролини ўйнади. Сўфийлар сарбадорлар ҳаракатида фаол қатнашгани бежиз эмас эди. Буюк Амир Темур айнан мана шундай маънавий муҳитнинг вакили сифатида тарих саҳнига чиқди.

Ўз даврининг рамзи бўлган Амир Темур эътиқод ва маънавиятнинг катта аҳамиятини тўғри идрок этган. Шарафиддин Али Яздий Амир Темурни ҳақли равишда эътиқоди комил инсон сифатида таърифлайди. Энг муҳими, Амир Темур «аҳли сунна ва жамоа»га доим содиқ, диний ақидапарастликка қатъий қарши бўлган. Қисқаси, у ислом динини мутаассибликдан холи, эркин тушунган; унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва шу жиҳатдан ҳам у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон кишиси учун ҳам намунадир.

Жаҳондаги барча мусулмонлар ҳеч бўлмаганда икки маданий муҳитда яшайдилар. Бири – она Ватаннинг этник таркиби билан боғлиқ маҳаллий маданият, иккинчиси – исломга киргач, шаклланган мусулмон маданияти. Узок тарихга эга бўлган мусулмон жамоаларида мазкур иккала муҳит бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда умуман динга ва айниқса, ота-боболаримиз дини бўлиб келган исломга муносабат тубдан ўзгарди. Бу соҳадаги ютуқларни санаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

«Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган. Бу эса, ўз навбатида, Юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган». XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган деҳқонлар ночор аҳволга тушиб қолганда мусулмон аҳоли уларга

хар томонлама ёрдам кўрсатган. Ҷша давр воқеаларини кўрган иеромонах Харитон «махаллий аҳоли ночор кўчманчиларга раҳмдиллик билан муносабатда бўлдилар, бусиз уларнинг кўпчилиги очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар», – деб гувоҳлик берган.

Бундай дўстона алоқалардан хулоса қилиб, Ислон Каримов: «Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигуликдир», – деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон ҳукумати оқилона, диний бағрикенглик сиёсатини олиб бормоқда. Республикада ислон билан бир қаторда, 16 диний конфессияга мансуб ташкилотлар эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг миллати, ирқи, динидан қатъи назар, барча учун тенг ҳуқуқлар қонун орқали қафолатланган. Буни диёримизга очик қалб билан келаётган ҳар бир меҳмон ўз кўзи билан кўрмоқда ва эътироф этмоқда.

1995 йилнинг октябрида бизнинг минтақамизда биринчи бор Тошкент шаҳрида «Бир само остида» шиори остида ўтказилган халқаро мусулмон-насроний конференцияси фикримиз далилидир. 1996 йилнинг ноябрида шу ерда Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси 125 йиллиги тантаналари ўтказилди.

Миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири бағрикенглик турли миллат ва элатга дахлдор кишиларнинг, турли хил диний эътиқодли инсонларнинг бир замин, ягона Ватан, бир юртда, бир ҳудудда олийжаноб ғоя, орзу-умид, мақсад ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда, «...башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда».

Ўзбекистон турли динларга мансуб кадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Конституциямизда «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», – деган қонуннинг мустаҳкамлаб қўйилгани бундай ютуқларга сиёсий-ҳуқуқий замин яратди.

Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» қонун талабларини амалга ошириш жараёнида юзага келган айрим жиддий муаммолар ҳам одилona ҳал этилди. Масалан, республикада анъанавий ҳисобланган баъзи диний жамоалар, айниқса, лютеран черковлари жамоалари қонунда белгиланганидек, юз кишилик ташаббускорлар гуруҳни ташкил эта олмасликлари маълум бўлиб қолган бир шароитда ҳам махсус ҳайъат қарорига кўра, бу муаммолар ўз ечимини топган. Чирчиқ шаҳридаги Евангел-Лютеранлар жамоаси 27 кишидан иборат бўлгани ҳолда уларга диний ташкилот тузишга ва расмий рўйхатдан ўтишга руҳсат берилган.

Эътиқод эркинлиги, диний бағрикенгликнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари диний ташкилотлар ва давлат муносабатларида доимо долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Бу бежиз эмас, албатта. Дин мамлакат аҳолисини руҳий чиниқтириш ҳамда юксак ахлоқ, Ватан ва халқ манфаати йўлида фидокорлик, поклик, ўз миллатига содиқлик каби кадриятларни кундалик ҳаётга татбиқ этиш орқали турмуш тарзини ўзгартириш ва юрт фаровонлигини оширишга хизмат қилади. У инсондаги қимматли, энг эзгу фазилат ва хислатларни юзага чиқаришга қодир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши

мумкин эмас, дейилган. Шунга биноан, ҳар бир диний конфессия ўз мафкурасига эга бўлиши мумкин. Лекин бу мафкурани халққа тазйиқ билан сингдиришга йўл қўйилмайди. Жамиятимизда диний ташкилотлар фаолияти халқимизда миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик ва фидокорлик, комил инсонни шакллантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”⁷.

Давлат ва дин муносабатларидаги асосий жиҳат – бу диннинг сиёсатга аралашмаслигидир. Зеро, ҳар қандай дин, энг аввало маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

1990–2015 йиллар мобайнида юртимизда дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўплаб фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Ана шундай қарорлар сирасида 2003 йилнинг 22 августида республикада «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 364-сонли қарори ўзига хос ўринга эга. Унга кўра:

– Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилиб, ана шу ҳужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди;

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон” нашр.-матбаа ижод. уйи, 2008.-Б.13..

– дин ва давлат орасидаги муносабат асосида диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ҳам ётади. Бу ҳақда Конституцияда шундай дейилади: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмалар фаолиятига аралашмайди».

Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда қонунчилик ҳам такомиллашиб борди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. Сўнгги йиллар давомида мазкур қонунни давр талаблари асосида тубдан ўзгартириш зарур бўлиб қолди ва 1998 йилнинг 1 майида Республика Олий Мажлиси томонидан қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонун динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиш мумкинлигини таъминлайди. Мазкур меъёр 1966 йил 16 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқдир.

Охириги ўн йил ичида юз бераётган, бир томондан, этник ва диний низолар, иккинчи томондан ислом ва мусулмонларга нисбатан адоват табиийки, ижтимоий-иқтисодий номутаносибликка олиб келади, тинч тараққиёт жараёнини издан чиқаради, инсоният хавфсизлиги ва халқаро барқарорликка таҳдид солади.

Халқаро ҳамжиҳатлик йўлида ҳар бир инсон, жамоа ва миллатлар башариятнинг турли-туман маданиятлардан иборат эканини англаши ва ҳурмат қилиши жуда муҳимдир. Бағрикенгликсиз демократия асослари ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаб бўлмайди. Тинчликсиз тараққиёт ва демократия бўлмагани каби, бағрикенгликсиз тинчлик ҳам бўлмайди.

Узбекистон Президенти И.А.Каримов Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияга юборган табригида эътироф этдики, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган мусулмонлар ва христианларнинг биргаликдаги тарихи диний-маънавий ҳаёт ва диний толерантликнинг энг яхши намуналаридан биридир⁸.

Ханафия мазхабининг толерантлиги тарихда мавжуд бўлган толерантликнинг ёрқин намунасидир. Бундай толерантлик ўзига хос толерантлик психологиясини ҳам яратдики, бу ҳолат миллий ва диний муносабатларнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Бунга мисол сифатида XIX асрда қўплаб қурилган христиан черковларини ва бу қурилишларда маҳаллий аҳоли усталарининг иштирок этганлигини айтиш мумкин. Маҳаллий халқ бошқа маданият ва урф одатларга бефарқ бўлмаган.

Ҳозирда ҳам фаолият олиб бораётган Чирчиқ шаҳридаги Муқаддас Георгий ибодатхонасига маҳаллий савдогар мусулмон киши катта пул ажратган. Самарқандда қурилган бир қатор черковларга ҳам савдогарлар Олимбековлар катта моддий ҳисса қўшганлар.

Ўрта Осиёда қурилган христиан ибодатхоналари ўзларининг қайтарилмас архитектураси ва безаклари билан ажралиб турган. Уларнинг қурилишида маҳаллий усталар фаолият олиб борганлар. Айниқса, ганч ўймакорлиги санъати соҳасининг усталари фаол бўлганлар. Тошкент, Қўқон, Андижон, Фарғона шаҳарларида қурилган ибодатхоналар ўз даврида ташқи кўринишининг хусусиятлари билан ажралиб турган. Қўқон шаҳрида қурилган ибодатхонанинг қурилишида маҳаллий усто Ҳусниддин иштирок этган. Унинг меҳнатлари черков томонидан Муқаддас Святослав кўкрак нишони билан тақдирланган. Қўплаб черковлар қошида мусулмонлар, христианлар ва бошқа дин вакилларининг фарзандлари яшайдиган болалар уйлари мавжуд бўлган.

⁸ Бу мисоллар "Добро пожаловать в Узбекистан" Т., 2000. китобидан олинган.Т., 2005.

Жумладан, унга Бухоро амири Олимхон томонидан қурдирилган болалар уйини мисол келтириш мумкин.¹

Тошкент шаҳрида 1995 йилда ўтказилган “Бир само остида” шиори остида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам юқорида қайд этилган масалалар кўтарилган. Рус Православлар черковининг архиепископи Владимир бу ҳақда қуйидагиларни айтган эди: “Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг кўпчиликка намуна бўладиган муҳити яратилган. Мен Ўзбекистоннинг бундан кейин ҳам ҳозирги дунё цивилизациясига катта ҳисса қўшиб боради, деб ҳисоблайман”⁹

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, жамиятда динга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш муҳим вазифалардан бири.

¹ Бу мисоллар "Добро пожаловать в Узбекистан" Т., 2000. китобидан олинган.Т., 2005.

⁹ Беседа с архиепископом Владимиром, главой Ташкентской и Среднеазиатской епархии // Общественное мнение. Права человека. № 2.2001. –С. 75-78.

2 боб. Толерантликнинг асослари

2.1 Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 31-моддаси*

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи ижтимоий ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Чунки унинг замирида шахснинг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади. Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, ҳамма мамлакатларнинг Конституция ва Қонунларида виждон эркинлиги ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини, ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда яқка тартибда ёки одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Бундан ташқари бу масала яна бир мураккаб ҳодисани - турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний

ташкilotлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутлади.

Одамлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан яшаганлар ва яшайдилар. Ҳар кимнинг ўз ички дунёси, ўз эътиқоди бўлади. Виждон эркинлиги қандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у албатта маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари “виждон эркинлиги” тушунчасини илмий талқин қилишда миллий, мафкуравий ва маданий омилларни ҳам албатта назарда тутиш керак.

Мустақиллик, янгиланиш жараёни ҳамма соҳалар каби виждон эркинлиги, давлат ва дин, динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ўртасидаги муносабатлар соҳасини ҳам ўз ичига олди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида асрлар оша қарор топган виждон эркинлигига юксак ва самимий ҳурмат ифодаланган. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 31-моддасида ҳар бир фуқаро учун виждон эркинлиги ҳуқуқи қафолатланади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, кейинги йилларда давлат билан диний ташкilotлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Диннинг жамиятдаги ўрни тикланмоқда. Диний уюшма ва ташкilotларнинг фаолият кўрсатишларига имконият яратилмоқда. Қатор тарихий обидалар диний ташкilotлар ихтиёрига ўтказилди, янги масжидлар очилмоқда. Диний ташкilotларнинг халқаро алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида виждон эркинлиги принципларини тиклаш ва унга оғишмай амал қилиш давр, кундалик ҳаёт талаби ва заруриятига айланиб қолди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Виждон эркинлиги ва диний ташкilotлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. 1998 йилда бу қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, 15 май куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан у кучга кирди.

Мазкур онун 23 моддадан иборат. Унинг 1-моддасида ушбу қонуннинг мақсади нималардан иборат эканлиги очик ва равшан баён этилган: “Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъиназар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат”.

Қонуннинг 3-моддаси виждон эркинлиги ҳуқуқи ҳақида бўлиб, унда ҳар бир фуқаро динга муносабатини ўзи мустақил аниқлаши, у ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги ва бу ҳуқуқ эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан кафолатланажаги таъкидланди.

4-моддада фуқароларнинг динга муносабатларидан қатъиназар, тенг ҳуқуқлилиги ҳақида сўз боради. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилганлиги кўрсатилган. Бу дегани давлат диний масалалар билан шуғулланмайди, диний ташкилот ва диний бошқарма ишларига аралашмайди. Дин ва диний ташкилотлар ҳам давлат ишларига аралашмаслиги лозим. Лекин диний ташкилотлар жамоат ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, мазкур моддада давлат турли диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлаши, конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга, хусусан, бир диний конфессиядаги диндорни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, миссионерликка йўл қўймаслиги таъкидланган.

Диний ташкилотларга Ўзбекистон Республикасида диний характерга эга бўлган партиялар тузиш, республикадан ташқаридаги диний партияларнинг бўлим ёки филиалларини очиш ман этилади.

Диндан Давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва

фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг бундай фаолиятлари тақиқланади.

Фуқаролар динга бўлган муносабатларидан қатъиназар, таълимнинг хилма-хил турлари ва даражаларини эгаллаши мумкин. Қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийларни ва ўзларига зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхат ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний таълим берувчилар махсус диний маълумоти бор кишилар бўлиб, болаларни ўқитиш учун диний бошқарманинг ёки марказнинг рухсатномасига эга бўлиши керак. Хусусий диний таълим беришга йўл қўйилмайди. Бу қонун-қоидаларни бузганлар қонун олдида жавобгардирлар.

Диний ташкилотлар диний таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлар ва чет эл фуқароларини таълим олиш учун қабул қилишлари мумкин.

Диний ташкилот - бу маълум динга ишонувчилар ва уларнинг жамоаларининг уюшмасидир (масжид, черков, синагога, диний ўқув юртлари ва ҳ.к. каби). Уни ташкил этиш учун унга бир хил эътиқодга эга бўлган камида 100 киши аъзо бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси 18 ёшга тўлганидан кейин маълум диний жамиятга аъзо бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз мулкларига эга бўладилар. Бинолар, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чиқариш ва хайрия ишларига мўлжалланган иншоотлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк диний ташкилотларнинг мулки ҳисобланади. Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулкий хайриялардан, шунингдек фуқаролардан тушган маблағлардан давлат солиғи ундирилмайди.

Ибодат, диний расм-русум ва маросимлар ўтказиш маҳаллий ҳокимият томонидан тақиқланмайди. Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилишича, динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиш мумкин.

Диний ташкилотлар фуқароларни ишга олишга ҳақлидирлар. Улар давлат, жамоат корхоналари ва ташкилотларининг ишчи хизматчилари билан барабар солиқ тўлайдилар, ижтимоий таъминланиш ва суғурта қилиш хизматларидан фойдаланадилар. Умумий асосда пенсия олишга ҳақлидирлар.

Қонуннинг охириги 23-моддасида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунни бузган кишилар қонун олдида жавоб беришлари кўрсатилган.

Конституцияда ҳурфикрлилик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Унда диннинг тарбиявий аҳамиятига янада кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Унинг ҳудудида 16 та диний кофессия вакиллари истиқомат қиладилар. Юқоридаги қонунда келтирилганидек, улар Конституция олдида ҳуқуқ ва мажбурият юзасидан тенгдирлар. Конституциянинг 12-моддасида таъкидланишича, ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Шунга кўра, ҳеч қандай конфессия бошқаларидан устун деб қаралиши ёки уларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин эмас.

2.2 Диний кадриятлар жамият тараққиётининг омили сифатида

Ислом дини жаҳон динлари ичида энг ёшидир. Ислом дини дунёда эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан христианликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ислом дини жаҳонда географик жиҳатдан жуда кенг тарқалган монотеистик яккахудолик динларидан биридир. Бугунги кунда ислом дунёнинг 172 та мамлакатида тарқалган. Жаҳондаги 6 млрд. аҳолининг 1,5 млрд. Га яқин аҳолиси ислом динига эътиқод қилади. Бу эса жаҳон аҳолисининг 20 % дан ортиқроқ қисмини ташкил этади. 22 та араб мамлакатларида 300-350 миллион мусулмон яшайди. Масалан, Мисрда 60 миллион аҳолисининг 48 миллиони мусулмон. Шундан Коҳира шаҳрида 16 миллион аҳоли яшайди. Африкадаги Ливия, Тунис, Марокаш, Жазоир, Судан, Мавритания, Уганда, Сомали каби мамлакатларда ҳам мусулмонлар яшайди. Яқин Шарқда Ливан, Сурия, Иордания, Ироқ, Фаластинда, Арабистон ярим оролида Саудия, Яман, Умал султонлиги, Форс кўрфазида эса Бирлашган Араб Республикаси, Қатар, Бахрайн, Қувайт каби давлатларда аҳолининг 98-99 % ини мусулмонлар ташкил қилади.

Аҳолисининг кўп қисми мутлақ мусулмонлардан иборат бўлган 39 мамлакат, шунингдек, аҳолисининг ярмини мусулмонлар ташкил қилган мамлакатлар ҳам (Миср, Малайзия) ўзларини мусулмон мамлакатлари деб атайдилар. Мавритания, Эрон, Покистон, Камар ороллари, Афғонистон каби мамлакатларни номига ҳам ислом сўзи қўшиб айтилади. Масалан, Эрон ёки Покистон, Афғонистон ислом республикаси деб юритилади. 28 мамлакатда ислом расмий давлат дини ва мафкураси сифатида тан олинган.

XX асрдан ҳозирги давргача инсониятнинг умумий тарихига хос бўлган икки тенденция: жамиятнинг, миллатлар, мамлакатлар ва давлатларнинг ўзаро алоқадорлиги кучайиб бориши натижасида

интеграция жараёнлари юзага келди Шу билан бирга интеграцияга қарши бўлган кучлар ҳам жонлана бошлади. Умуман олиб қараганда, интеграция табиий жараён бўлиб, инсоният тарихи бундай жараён билан доимо бирга, ёнма-ён борган. Интеграция жараёни объектив тарзда турли жамиятлар ҳаётини, маданияти ва турмуш тарзини бойитади. Жамиятда мавжуд мафкура, ижтимоий қарашлар, ижтимоий фикр, шахс дунёкараши унинг натижасида ўзгаради ва ривожланади. Ўзаро ижтимоий-тарихий алоқалар ўз навбатида маданий-маънавий алоқаларнинг тараққиётини ҳам тақозо этади. Шунга кўра Шарқ жамияти ижтимоий фикрининг бугунги кундаги тараққиёти, хусусиятлари, унга таъсир этувчи жиҳатлар ва омиллар каби масалаларни ўрганиш барча ижтимоий фанлар ва шулар билан бир қаторда тарих фани соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга.

Шуни ҳам эътироф этиш зарурки, сўнгги даврларда асрлардан бери табиий йўл билан амалга ошиб бораётган ижтимоий интеграция жараёнлари табиийлик хусусиятларини йўқотиб бормоқда. Бу жараён турли субъектларнинг ўз манфаатларидан келиб чиқиб ушбу табиий жараёнга аралашувлари натижасида тобора сунъийлик касб этиб бормоқда. Бу ҳолат албатта ижтимоий фикр ва унинг моҳиятига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Шарқ мамлакатларининг ижтимоий фикрида бўлиб ўтаётган ўзгаришлар ва ижтимоий фикр тараққиёти куйида қайд этилган ғояларда ифода этмоқда:

Ҳозирги кунда диний ғоялар тизимида турли қарашлар юзага келган. Улардан айримларини кўриб чиқамиз. Жумладан, панисламизм ва панарабизм ғояси. Бу ғоялар бутун мусулмонлар ва ер юзидаги барча арабларнинг биргаликда яшаш ва ҳамкорлик қилиш ғояларини илгари суради. Бу ғояларда кишиларнинг улкан худудий, ирқий, этник, маданий ва диний жамоалари биргаликда яшаши зарурлиги эътироф этилади. Бу ғояларнинг сиёсий вазифаси умумий мақсадлар ва манфаатлар йўлида

бирлашиб, йирик иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий блоклар ташкил этишга хизмат қилишдан иборат.

Бугунги панисламизм ғояларида қўйилган мақсадни турли йўллар ва усуллар билан амалга ошириш мумкин, деб ҳисобланади. Панисламизм ғояларига бирлашган гуруҳларнинг ёндашувлари бир-бирдан фарқ қилади. Масалан, айримлар экстремистик қарашларига эга бўлиб, ўз мақсадларига етишда куч ишлатиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Иккинчилари ислохотлар йўлини, яна бирлари эса шахсни тарбия қилиш ва инсофга чақириш, маънавий тарбия орқали Мухаммад асос солган мусулмон жамоаларини ташкил этишни таклиф этадилар. Бундай ғоялар кўпроқ Эрон ва Покистонда кенг тарқалган. Уларнинг энг катта орзуси битта мамлаатда ислом давлатини ташкил этиш орқали дунёда улкан ислом жамоаларини яратишдан иборат.

Панисламизм ғоясидан фарқ қилган ҳолда сионизм ғояси ер юзида еврей миллатини ўзига хослиги аммо, уларнинг кўпчилиги бегоналар ичида яшашга мажбурлигини эътироф этган ҳолда, еврейлар ҳеч қачон бошқа миллатларнинг ғоялари, маданияти, урф-одатлари, дини ва ҳ.к.ларини қабул қилмайди, деган фикрларни илгари суради. Сионизмнинг асосчиларидан бири Исроил давлатининг биринчи Президенти Хаим Вейцман “Сионизм ва еврейларнинг келажаги” номли китобида бу оқимнинг асосий ғояларини баён этган. Унинг фикрича еврейлар бутун дунё халқларининг маданий ва маънавий тикланишини ўз бўйнига олиши мумкин ва шу йўл билан дунёни қутқаришлари мумкин.

Панарабизм ғояси ер юзидаги барча арабларнинг миллий хусусиятлар остида бирлашиш ғояларини илгари суради. Айниқса, бу ғоялар ўтган асрнинг 60-70 йилларида кенг тарқалди. Бу жараёнга арабларнинг Исроил билан “олти кунлик” урушда енгилганлари ҳам катта таъсир кўрсатди.

Туркизм ва пантуркизм ғояси. Бу ғояда туркий халқларнинг маданий жиҳатдан бир хилликлари ифода этилади. Буюк Туронни ташкил этиш – туркизм ғоясининг асосида ётади. Айниқса, СССР тарқалиб Марказий Осиёда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Кавказда Озарбайжон республикаларининг ташкил топиши Туркия давлатида бу ғонинг тарафдорларини кўпайтирди. Айтиш лозимки, 1990-йилларда қайд этиб ўтилган айрим давлатлар ўз мустақиллигини қўлга киритганларидан кейин тарққиётида Туркия моделини танлашга ҳаракат қилиб ҳам кўрдилар. Жумладан Озарбайжон дастлаб ўз ижтимоий-сиёсий тарақиётини Туркиянинг тажрибасини ўрганган ҳолда қуришга ҳаракат қилди. Шу сабабли ҳам у иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда ва таълим соҳасида Туркия амалга оширган жараёнларни қўллашга ҳаракат қилган эди.

Пантуркизм ғоялари туркий халқларнинг маданий-маънавий жиҳатдан ягона элатлиги тўғрисидаги фикрларни ёқлаб чиқади. Бундай сифатда бир хил бўлган элатлар маънавий ва сиёсий жиҳатдан бирлашишлари ва ўзининг буюк давлатини ташкил этишлари лозим. 1990 йилда СССР ҳарбийлари Баку шаҳрига кириб, унда бўлиб ўтган норозилик ҳаракатларини бостирганларидан кейин панттуркизм ғоялари янада кенг тарқалди ва қайтадана жонланди. Бу ғоялар айниқса, турк сиёсатчиси Ризо Нурийнинг қарашларига, Нихол Отсизнинг фикрларига асосланади. Уларнинг фикрича, барча турк элатлари барча туркий халқлар ягона турклардир. Улар келажакда туркий конфедерацияга бирлашишлари лозим. Турк бу йўлда ўз ҳаётини ҳам қурбон қилиши зарур. Масалан, Нихол Отсизнинг фикрича, “Турк – бу турк миллати барча миллатлардан улуғлигини, унинг миллий тарихи буюклигини тан оладиган ва туркизм ғояларига жонини ҳам қурбон қиладиган инсондир”

XX асрнинг 50-йилларида Туркияда ўта миллатчи бўлган Туркия миллий партияси фаолият олиб борди. Бу партия Америка ва СССР

сиёсатига қарши чиқиб, бу йўлда барча турк миллатлари бирлашишлари лозимлигини эътироф этадилар. Уларнинг асосий шиори “Оллох туркни омон сақласин” бўлиб, партия келажакда юз миллион аҳолисига эга бўлган буюк Туркия давлати ташкил топишини, бу давлат иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан кучли бўлиши ва дунёда ҳукмронлик ўрнатишини орзу қилади. 1993 йилда Туркиянинг Анталия шаҳрида турк давлатлари ва жамоаларининг дўстлик ва биродарлик Конгресси бўлиб ўтди. Конгрессда асосан туркий халқлар ўртасида сиёсий ва маданий муносабатларни кучайтириш масаласи кўтарилди ва муҳокама этилди.

Паназиатизм ғояси. XX асрнинг 60-йилларида тарқалган бу ғоя Осиё халқларини ирқий асосда бирлашишларига чақиради. Унинг асосий шиори “Осиё осиеликлар учун” бўлиб, у Ғарб демократияси моделини танқид этади. Бу шиорни Филиппинлик сиёсий арбоб Кларо Ректо кўтариб чиққан бўлиб, унинг фикрича Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда Япония модели паназиатизм ғоя тарафдорларининг орзуси бўлиши лозим. Япония урушда муваффақият қозона олмагандан кейин эса японлар янада тараққиёт учун янада қаттиқроқ ҳаракат қила бошладилар. Япония иқтисодий-ижтимоий тараққиёт соҳасида АҚШ ва Европа учун улкан рақибга айланди.

Осиёни осиелаштириш ғоясини асос қилиб олган сиёсатчилар паназиатизм Европага хос бўлган демократия ва либерализм ғояларига ҳам қарши чиқа олади. Ғарб давлатлари таклиф этаётган демократия асосидаги ижтимоий ҳаётдан фарқли осиеча ҳаётни тарғиб қила олади, деб ҳисоблайдилар.

Мазкур ғояга ўз даврида Жавоҳарлал Неру ҳам маслақдош эканлигини билдирган эди. Унинг фикрича, “Осиё халқлари ўзларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳадаги интилишларини бирлаштиришлари ва бундай

асосда Осиёни осиеликлар манфаатларига жавоб берадиган худудга айлантиришлари лозим”.

Сингапурда 1970 йилларда ахборот министри бўлган Джордж Йоухнинг фикрича, конфуцийлик, дасизм ва буддавийлик асосида янги цивилизация дунёга келмоқда ва бундай цивилизация яқин даврларда бутун дунёга ўз таъсирини ўтказиши ва тарқалиши мумкин.

Бугунги кунда дин ва мафкуранинг ижтимоий-маънавий аҳамияти шундай кучайганки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ушбу ҳолат акс этмоқда. Бундай шароитда диннинг, ғояларнинг ва мафкуранинг тарихи, моҳияти жамият тараққиётидаги ролини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу соҳада сўнгги пайтларда тарихчилар, файласуфлар, сиёсатшунослар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлари олимлари томонидан катта илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мазкур омиллар ижтимоий ҳаёт ва инсонларнинг фаолиятини тартибга солиб турувчи ижтимоий қоидаларнинг регуляторлик вазифасини ўтайди. Жамият тарихида энг аввал ахлоқий қоидалар пайдо бўлган. Дин, турли ғоялар ва мафкуранинг шаклланиши жамият тараққиётида улкан аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, дин ахлоқий онгнинг таркибига кириб бориб ва у билан муносабатда бўлиб, диний-ахлоқий кадриятларни шакллантирди. Ижтимоий онгнинг деярли барча шаклларида диний онгнинг элементлари мавжуд. Улар орқали диний онг маънавий кадрият сифатида намоён бўлади.

ХУЛОСА

Толерантлик тарихий тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида юзага келган ижтимоий ҳодисадир. Толерантликнинг шакллари турлича: ахлоқий толерантлик, диний толерантлик, сиёсий толерантлик, маданий толерантлик.

Ахлоқий толерантлик турли миллатларга мос бўлган ахлоқ, кундалик турмуш тарзи ва унинг қоидаларига нисбатан ҳурмат ва сабр-тоқатли бўлишни ифода этади.

Диний толерантлик ҳозирги даврда мавжуд бўлган барча миллий ва жаҳон динларига нисбатан очиқлик, ҳурмат билан қараш ва турли диний эътиқодларнинг ўзига хослигини тан олишдан иборат.

Сиёсий толерантлик сиёсат соҳасидаги бошқа фикрлар, эътиқод ва қарашларга нисбатан сабрли ва чидамли бўлиш, ўзиникидан фарқ қилувчи бошқаларнинг анъаналари, урф-одатлари ва қадриятларига эҳтиётлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уларни қабул қила олишни англатади.

Маданий толерантлик эса ўзгача моҳиятга эга бўлган маданиятнинг барча элементларига нисбатан бағрикенгликни билдиради.

Демак, толерантлик бошқаларнинг ўзига хос хусусияти ва моҳиятини тан олиш ва уларга очиқлик билан муносабатда бўла олиш ва зарур бўлганда маълум масалаларда уларнинг қарашлари ва ёндашувларини қабул қила олишни англатади. Бу нарса эса ўз навбатида маълум бир миллатнинг, ахлоқ, дин, сиёсат ва маданиятнинг ўзгаларнинг ижобий жиҳатларини тан олиш, уларни ўрганиш ва олинган тажриба ва янгиликлар асосида янада тараққий эта олиш қобилиятини ифода этади. Чунки бундай қобилият ва хусусиятларсиз қайд этилган соҳаларда мамлакатлар, давлатлар ва миллатлар ўзига иттифоқчиларни ва дўстларни топа олмайдилар. Айниқса, сиёсат соҳасидаги

толерантликсиз дунё ҳамжамияти ва интеграциясига қўшила олиш мумкин эмас.

Бошқаларга нисбатан толерантлик ўз маданияти ва ўзига хослигидан воз кечишни, сўзсиз уларнинг фикрини қабул қилишни англамайди. Аксинча, толерантлик этник маданиятлараро муносабатларнинг асосий тамойили бўлиб, бу тамойил ўзгаларга нисбатан ижобий муносабатни ва уларни қабул қилишни англайди. Мазкур тамойилга кўра бир миллатнинг маданияти ёки умуман бир миллат бошқасидан устун қўйилмайди. Шу нуқтаи назардан толерантлик яқка ҳолда олинган шахсга ҳам, этник гуруҳ ёки миллатга ҳам хосдир.

Сабрсизлик ва ҳурматсизлик бошқаларга нисбатан толерантликнинг аксини англайди. Ўзга миллатлар ва жамиятларнинг фикрлари ва қарашларини инкор қилиш жамиятда шовинизм, фанатизм ва агрессиянинг шаклланишига олиб келади. Бундай ҳодисалар эса маълумки, жамиятни тараққиётга эмас, аксинча турғунликка олиб боради. Шу сабабли ҳам толерантлик нафақат ҳозирги вақтдаги, балки мавжуд давлатлар ва миллатлар тарихий тараққиётининг барча даврларда ҳам турли жамиятларнинг интеграция жараёнига кириб бориши ва умуман тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлган асосий омиллардан бири бўлиб келган.

Толерантлик дунё ҳамжамияти мавжудлигининг асосий тамойилларидан биридир.

Толерантлик шахслар, турли цивилизацияга мансуб бўлган жамиятлар, турли мамлакатлар ва миллатлар, эркалар ва аёллар, катта ёшлилар ва кичиклар ўртасидаги ҳурмат ва бағрикенгликка асосланган муносабатларни ифода этади.

Толерантлик буюк умуминсоний қадриятлардан бири сифатида шахс ва жамиятнинг анланган ва қатъий ёндашувини акс эттиради.

Толерантлик қарама-қаршиликка эмас, аксинча ўзгалар ва ўзидан фарқ қилувчилар билан уларнинг “бошқача” моҳиятини тан олган ҳолда ёнма-ён яшай олиш қобилиятига асосланади.

Толерантликка асосланган ҳолда турли миллатлар, жамиятлар ва маданиятларнинг ёнма-ён яшай олиши турли давлатлар, инсониятнинг биргаликда яшай олиши, бирдамлиги, келиб чиқиши мумкин бўлган турли низоларни биргаликда ҳал эта олиши каби хусусиятларини ифода этади. Толерантликни қуйидагича таърифлаш мумкин: толерантлик этник, жинсий, диний, ирқий хусусиятлари ва ёшидан қатъий назар ҳар қандай жамият, ижтимоий қатлам ва фуқаронинг ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий маданиятининг хусусиятларини ифода этувчи ижтимоий ҳодиса ва умуминсоний қадриятдир.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистоннинг толерантлик моҳияти янада яққолроқ намоён бўла бошлади. Жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай мамлакат бу йўналишда жаҳондаги илғор демократик мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиши табиий.

Ҳозирги замонда мафкура, ижтимоий фикр соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, диний онг, унда диний қадриятларнинг акс этиши жараёни ва жамиятда динга бўлган муносабатнинг ҳам ўзгариб бораётганлиги барчамизга маълум. Бу жараён Шарқ мамлакатларининг ижтимоий ҳаётида ҳам ўзига хос тарзда кечмоқда. Шарқ мамлакатлари ҳаётида амалга ошаётган диний ва ғоявий модернизация ўзига хос хусусиятларга эга. Бу жараён Ғарб мамлакатларида бораётган модернизациядан фарқ қилади. Ғарб мамлакатларида кўпроқ модернизация фан ва техника ютуқларига таянса, бу ерда кўпроқ маънавий ва маданий омиллар бу соҳада катта рол ўйнайди. Шундай омиллардан яна бири дин эканлигини кўриб ўтдик.

Дин ўзининг бирлаштирувчилик функциясини бажарган ҳолда жамият аъзоларини давлатимиз олдида турган иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажаришга сафарбар этади. Лекин иккинчи томондан, турли сиёсий ва агрессив кучларнинг ҳаракатлари оқибатида дин ўзининг асосий функцияларидан четланган ҳолда, ушбу субъектларнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари йўлида сиёсий ҳокимият учун курашда ниқобга айланиб

қолаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлмоқдамиз. Демак, глобаллашув шароитида ва ўтиш давларида диний қадриятларнинг ижтимоий онгда нотўғри акс этганлиги оқибатида дин ва диний қадриятлар бир-бирига қарама қарши бўлган функцияларни бажариши мумкин экан.

Жиход, халифат, ғазавот кабиларни тарғиб этувчи фундаментализм, экстремизм, терроризм ҳодисалари ислом динидан жуда йироқ бўлиб, уларнинг моҳияти ислом ғояларига ва унинг қадриятларига тамоман зид. Улардан ислом динининг ўзи ҳам катта зарар кўради.

Бугунги юксак ахборотлашган ва коммуникацияга эга бўлган даврда қайд этилган ҳодисалар жамият аъзоларининг дин масалаларида яхши билимга эга бўлмаган айрим қисмига ўз таъсирини ўтказиши табиий. Бундай вазиятга баъзибир ёшларнинг тушиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Жамият дин ва унинг қадриятларидан энг аввало, маданий-маънавий бойлик, таълим-тарбия воситаси, жамиятда барқарорлик ва тинчликни таъминлашга ёрдам берувчи маънавий омил сифатида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиши катта аҳамиятга эга. Глобаллашув шароитида диндан қайд этилган мақсадларда фойдаланиш давлатимизнинг маънавий тараққиётига хизмат қилади.

Қайд этилган мамлакатлардан фарқ қилган ҳолда Ўзбекистонда бу соҳада бутунлай бошқача моҳиятга эга бўлган жараён бормоқда. Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 98 % фоизини мусулмонлар ташкил этади. Уларнинг ижтимоий онгида миллий ва диний қадриятлар кўп жиҳатдан фарқланмаган ҳолда акс этади. Унинг устига миллий ва диний ахлоқий қадриятларнинг, менталитетнинг деярли бирхиллиги жамиятнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилувчи диний қадриятлардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Диний қадриятлар кўп ҳолларда миллий маънавий қадриятлар билан қўшилиб кетган. Шахс онги кўп ҳолларда миллий ва диний қадриятларнинг чегарасини аниқ англаб етмайди. Глобаллашувнинг миллий маънавиятга путур етказиши мумкин бўлган негатив томонларидан ҳимояланишда бу ҳолатни ҳисобга олиш зарур. Жамиятнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилувчи

диний кадриятларнинг потенциали Шарқ мамлакатларининг келгуси маънавий тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Аммо шуни ҳам қайд этиш зарурки, глобллашув шароитида диний кадриятларнинг ўзигина ҳимоя воситаси бўла олмайди, уларнинг ҳимоя қилиш потенциали етмайди. Диний кадриятлар маълум чегарагача миллий маънавиятни ҳимоя қилувчи омиллардан бири сифатида хизмат қила олади Ҳақиқий ҳимоя воситаси бўлиши учун диний кадриятлар илғор демократик, замонавий кадриятлар билан қўшилиши лозим. Прогрессив руҳдаги ахлоқий, илмий, диний, эстетик, ҳуқуқий ва сиёсий кадриятлардан иборат бўлган ягона кадриятлар тизими миллий маънавиятни глобллашувнинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай тизимнинг асосий хусусияти миллийлик бўлиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикасининг ўз тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини, ҳалигача терроризм, нарқобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби қатор таҳдидлар мавжуд бўлган Марказий Осиёдаги кучлар нисбатини ҳисобга олиб, ишлаб чиққан ички ва ташқи сиёсати алоҳида аҳамиятга моликдир.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ушбу стратегиясида мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик дастурларида, давлатларнинг терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадлари ўз ифодасини топган.

Бу соҳада ўзбек ташқи сиёсатининг негизини ўз кучларини ҳозирги даврнинг асосий таҳдиди билан қарши курашга йўналтиришга тайёр барча давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилиш ташкил этади. Шу ўринда, Ўзбекистон амалда минтақада ва бутун дунёда хавфсизликни таъминлашга қаратилган барча халқаро дастур ва икки томонлама ҳамкорлик алоқаларида фаол иштирок этаётганини таъкидлаш зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон давлатининг барқарор тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ички сиёсати ҳам экстремизмнинг

пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда экстремизмдан терроризмнинг келиб чиқишини бартараф этишга қаратилган фаол стратегиядир. Унда экстремизмга қарши кураш орқали бундай тузилмалар бағрида вояга етиши мумкин бўлган террорчилар фаолиятининг олдини олишга интилиш ўз аксини топганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда ўзбек давлати томонидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар бу кураш стратегиясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини куриш, иқтисодиёт, кишлоқ хўжалиги, таълим, хусусан, ўрта махсус таълим тизими, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа соҳалардаги кенг кўламли ижобий ўзгаришлар бу стратегиянинг таркибий қисми, Марказий Осиё минтақасидаги аҳволни белгилаб берадиган, мамлакатдаги барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қиладиган чора-тадбирлар тизими ҳисобланади. Кучли иқтисодиётга эга Ўзбекистоннинг барқарорлиги бутун минтақанинг барқарорлигини билдиради.

Бу, соғлом мувозанатга асосланган, серқирра ва ҳар хил даражали стратегияда маънавият ва мафкуравий тарбия алоҳида ўрин тутади.

Мутахассислар экстремизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган омиллар ичида мафкуравий бўшлиқнинг таъсири ва кадриятлар мўлжалларидаги беқарорликда намоён бўлган номутаносибликни алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Мафкуравий бўшлиқ кўпинча кишиларда жамиятдаги мавжуд ҳолатни, ижтимоий муҳитни нотўғри идрок этишга, унинг иродасини бошқа кишига бўйсундириш ва дунё-қарашида агрессивликни шакллантиришга хизмат қиладиган носоғлом ғоялар билан тўлдирилишига замин яратади. «Зомбиллаштириш» деб аталадиган бу технология яхши шаклланмаган маънавият, бўш ирода ва носоғлом интилишлар муҳитидагина таъсир кучига эга бўлади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон экстремизмга қарши курашда, унинг пайдо бўлиши ва ривожланишини бартараф этиш ишларида ғоявий тарбия,

хусусан, мамлакат ёшларида юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Зеро, бундай ёндашувда умуминсоний ва миллий қадриятларга, миллий ўзликни тиклаш ва мустақилликни мазмунан бойитишга асосланган миллий ғоя, маънавият ва маърифат, тўғри шакллантирилган онг экстремизм ва терроризмга қарши кураш ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг энг муҳим тизими сифатида юзага чиқади.

Шу билан бирга, инсоният асрлар давомида ўзида бошқа эътиқод вакилларига эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг диний ҳис-туйқуларига нисбатан ҳурмат ҳиссини намоён қилишдек фазилатни ҳам камол топтирганини қайд этиш лозим. Диний бағрикенглик ҳамиша диний заминдаги адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларнинг соҳиблари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига замин яратган. Бу эса, ўз навбатида, тинчлик ва тараққиётга, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда жамиятда диний бағрикенглик Қоясининг устувор бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг назарда тутиб, китобда диний бағрикенгликнинг ижтимоий мазмуни таҳлил қилинган. Айтиш пайтда, диний тоқатсизлик ва экстремизмнинг моҳияти, ҳозирги даврда жамият барқарор тараққиётга туқдираётган таҳдидлари ёритилган.

Ижтимоий тараққиёт мураккаб ва ўта зиддиятли характер касб этган бугунги кунда жамият ва фуқароларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш тажовузкорлик ва муросасизликнинг турли кўринишлари келиб чиқишига йўл кўймасликнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, китобда бағрикенглик маданиятини камол топтиришнинг йўллари, имкониятлари ва бу борадаги устувор вазифаларнинг моҳияти билан боқлиқ масалалар таҳлилига ҳам алоҳида эътибор берилган. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда бағрикенглик масаласининг акс этиши тадқиқ

этилганини ҳам китобнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган, шахс салоҳияти, фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун барча имкониятларни яратадиган, бағрикенглик кадриятлари устуворлигига асосланадиган демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Мазкур масалага тўхталиб, республикаимиз Президенти И.А.Каримов ҳозирги мураккаб ва нотинч дунёда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, демократик жамият қуриш йўлидаги изланишларимизда бағрикенглик нечоқли муҳим ўрин тутишини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистонда жамиятда бағрикенглик муҳитини қарор топтириш бўйича олиб борилаётган амалиёт ҳамда унинг сиёсий-ҳуқуқий ва назарий асослари узвий бирликда ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий соҳалари билан бир қаторда маънавий соҳа ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилди. Маълумки, Шарқда доим ҳам маънавият соҳаси жамият ҳаётида ва инсонлар ҳаётида муҳим рол эгаллаб келган. Мустақиллик натижасида Ўзбекистонда тарихий ва миллий маънавий кадриятлар тикланди. Миллат ўзининг тарихий маънавий илдизларига қайта бошлади. Шу жумладан, умуминсоний кадриятлардан бири бўлган диний кадриятлар ҳам ўзининг эгаллаши зарур бўлган тарихий ўрнига қайтди ва жамиятда кадрият сифатида тан олина бошланди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, 1995 йилда, шунингдек, ЮНЕСКОнинг «Динлараро ва маданиятлараро мулоқот» Дастури қабул қилинди. У диний урф-одатлар ва ўзига хос маданий кадриятлар, уларнинг дунё маданиятида тутган ўрнини ёритишга хизмат қилади. Дастур доирасида

Работ (1995, 1998), Мальта (1997), Тошкент (2000) шаҳарларида динлараро мулоқот мавзусида халқаро анжуманлар ўтказилди.

2000 йил 13–15 сентябрда Тошкентда ўтган динлараро мулоқот ЮНЕСКО Конгресси Марказий Осиёдаги маданий, диний ва этник хилма-хилликни муҳокама қилди. Унда 40 га яқин давлатдан 80 дан ортиқ турли дин ва конфессияларга мансуб вакиллар, йирик мутахассислар иштирок этди. Конгрессдан сўнг 18 сентябрда Бухоро шаҳрида «Тасаввуф ва динлараро мулоқот» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда «тасаввуф»га бағрикенгликни тарғиб этувчи, тинчликка чақирувчи ислом динининг ноёб, ўзига хос кўриниши, деган таъриф берилди. Шунингдек, 2001 йил сентябрда Тошкентда ўтган Осиё – Тинч океани минтақаси ЮНЕСКО «Бағрикенглик тармоғи»нинг иккинчи йиғилишида бағрикенглик тамойиллари ўзбек халқи Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига тобора кириб бориб, мамлакатда демократик жараёнларни амалга ошириб, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида ўзаро илмий ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаб бораётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Марказий Осиё халқлари ҳаётида диний қадрият ва анъаналар муҳим ўрин эгаллаб келган.

Дин реал воқеликдаги, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни табиатдан, жамиятдан ташқарида мавжуд деб ҳисоблайдиган, уларни ўзига хос тарзда акс эттирадиган маънавий эътиқод ва амалнинг бир туридир. *Эътиқод* сўзи ҳам араб тилидан кириб келган бўлиб, чуқур, мустаҳкам ишонч маъносини англатади. Демак, диний эътиқод деганда мустаҳкам, чуқур ишонч, маслак, ишонил тушунилади. Илоҳиёт, яъни диний таълимот нуқтаи назардан "дин", "диний эътиқод" тушунчалари жамият, инсон, унинг онги ҳаётнинг маъноси, мақсади ва тақдири уни бевосита қуршаб олган моддий оламдан ташқарида бўлган, уни гўё яратган, айти замонда инсонларга бирдан-бир "тўғри", "ҳақиқий", "одил" ҳаёт йўллари

кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий кучга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қарашлар, таълимотлар мажмуидан иборатдир.

Маънавий тараққиёт миллий – тарихий кадриятларни замонавий кадриятлар билан уйғунлаштиришни талаб қилади. Тарихий маънавий кадриятлар ҳозирги замонамиз руҳига мос бўлган умуминсоний демократик кадриятлар билан боғланиши, уларга мос тушиши ва уйғунлашиши зарур. Уларни давр талаблари асосида ва шу билан бирга миллатнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ижодий ривожлантириш лозим. Демак, ҳар қандай тарихий ва замонавий кадриятларга жамиятнинг ижодий ёндашуви талаб этилади. Бундай ижодий ёндашув давомида юқори тараққиёт даражасига эришган ривожланган давлатлар ва миллатларнинг кадриятларини ўрганиш, улар тизимидан давлатимизнинг демократик тараққиётига хизмат қиладиган, миллий маънавият ва манфаатларимизга жавоб берадиган элементларини танлаб олиш ва уларни жамиятимиз тараққиётида қўллай билиш каби муаммоларни ҳал этиш лозим.

Маънавий янгилашиш замонавий миллий кадриятларимиз, бошқа миллатлар ва давлатларнинг прогрессив кадриятларини ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган тарихий цивилизация давомидаги зарурий ва қонуний жараёнларни англаб етиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан “Мусулмонларнинг Саудия Арабистонида ҳаж қилиши тўғрисида” ги фармони (1990 йил, 2 июнь) эълон қилинди.

Ислом буюк алломаларининг: Имом Абу Исо ат- Термизийнинг 1200 йиллиги, Махмуд аз Замахшарийнинг 950 йиллиги, Нажмиддин Қубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбандининг 675 йиллиги, *Хўжа* Аҳрор Валининг 600 йиллиги, Ал Мотурудийнинг 1330 йиллиги, Ахмад ал Фарғонийнинг 1200 йиллиги каби юбилейлар мамлакатимизда кенг нишонланди. Бундан ташқари 1991 йилда Ўзбекистон Президенти фармони билан «Рамазон - ҳайит» (1991 йил, 11 апрель) ва «Қурбон-ҳайит» (1996

йил 20 июнь) кунлари байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди. 1992 йил мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони Карим биринчи марта ўзбек тилида 100 минг адад билан нашр этилди.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда толерантлик ва шу жумладан, диний толерантлик жамият тараққиётига катта ҳисса қўшган миллатлараро ва динлараро муносабатларга ижобий таъсир этувчи муҳим ижтимоий ҳодисалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2014.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда –Т.: Ўзбекистон, 1999
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2- жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
9. Каримов И. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. И.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.:Ўзбекистон, 2000. -331-332 б.
12. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз қусқ-қудратимиз, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ.-Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”,2005.
13. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. - Т.: Академия, 2000.
14. Алимова Д. Инсоният тарихи - ғоя ва мафкуралар тарихидир. - Т.: Янги

- аср авлоди, 2001.
15. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси Тошкент – 2007
 - 16.Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси.-Т.: 2002.
 - 17.Жаҳолатга қарши маърифат. Андижон воқеалари: ҳақиқат ва иг`во. Т.: 2005.
 - 18.Ислом ва ҳозирги замон. Ўўқув кўлланма. , «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси Тошкент 2010.
 19. Ислом ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари).Т.:2003.
 - 20.Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб). - Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
 - 21.Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т.: Ислом университети, 2014.
 - 22.Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Т.: 2000.
 - 23.Ислам и политика. - М.: Авангард, 2001.
 - 24.Ислом ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари). - Т.: 2003.
 25. Ислом. Энциклопедия. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004
 26. Комилов Н. Ислом – маърифат дини. - Т.: Маънавият, 2000.
 - 27.Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (На примере Республики Узбекистан). Материалы международной конференции. - Т.: 2002.
 28. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). - Т.: Янги аср авлоди, 2002.
 - 29.Хусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. –Т.: Мовароуннахр, 2000.
 - 30.Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик.-Т.: 2000.
 - 31.Раҳматов О. Огоҳлик-муқаддас бурч. –Т.: Мовароуннахр, 2000.

32. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар.-Т.: 2001.
33. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида.Т.: Академия, 2005.
34. Эркинлаштириш – жамият ҳаётини демократлаштиришнинг муҳим йўналиши. Т.: Янги аср авлоди, 2004.
35. Ҳасанбев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. Т.: Тошкент ислом университети, 2014.
36. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий – маърифий асослари. Ўқув-услубий мажмуа. Андижон, АДУ, 2014.